



ЖАРАЁН

САЛОҲИАТЛИ МАҲАЛЛА
РАИСИ ЮРТНИ ОБОД,
ХАЛҚНИ ФАРОВОН ҚИЛАДИ

Маҳалла институти ўзини ўзи бошқариш органи сифатида муайян ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий, маданий ва бошқа масалаларда мустақил иш олиб боровчи ижтимоий тузилмадир. Сўнгги йилларда мазкур институтга эътибор кучайди. Аҳолининг барча муаммолари энди маҳалланинг ўзида ҳал этиладиган бўлди. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ташкил этилди. Аҳоли билан ишлашнинг “маҳаллабай”, “хонадонбай” тизими йўлга қўйилди.

▶ Давоми 3-бетда



ТАЪЛИМ

Доктор Волфганг ҲЕРМАН:
“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УНИВЕРСИТЕТИ
юртингиздаги таълим ислохотларининг мустақкам пойдевори

Мамлакатимиз олий таълим тизимининг етакчи ўқув даргоҳи сифатида юртимиз ва дунё тажрибасининг энг илғор ютуқларини ўзида мужассам этаётган “Янги Ўзбекистон” университети ташкил этилганига ҳадемай бир йил тўлади. Қисқа вақтда олий таълим муассасасида эришилган натижалар, талабалар қўлга киритган ютуқлар талайгина. Ўтган йили Президент мактаблари битирувчиларининг 65 фоизи ўқиш учун шу ерни танлагани бежиз эмас. Зотан нуфузли хорижий олий ўқув юртларининг таълим дастурлари асосида юксак касбий билим ва малакага эга бўлиш, энг баобрў маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари ва ҳатто чет элда амалиёт ўташ имконияти, шунингдек, иқтидорли ва академик муваффақиятга эришган талабалар учун турли грантлар тақдим этилиши, дунёнинг энг машҳур олий таълим муассасалари ва саноат корхоналари билан ҳамкорлик, жаҳон стандартларига мос таълим тизими университетнинг жозибадорлиги ва мақомидан дарак беради.

▶ Давоми 5-бетда



НУҚТАИ НАЗАР

БИРЖА —
БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИДА
ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ МАЙДОН

Биржа савдолари бозор иқтисодиётига ўтиш, тижоратнинг шаффоф тамойилларидан бир ўлароқ эркин рақобатни шакллантириши, тадбиркорлар учун янги бозорлар очиши ва, айниқса, “яширин иқтисодиёт” ва коррупцияни кескин камайтиришга замин яратиши билан аҳамиятлидир. Шу боис, мамлакатимизда ушбу йўналишни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ислохотлар натижасида сўнгги уч йилда юртимизда биржа савдо айланмаси 2 баравар ўсиб, 90 триллион сўмга етган, сотиладиган товарлар сони эса 3 баравар кўпайган.

Бундан ташқари, хорижий давлатларда Ўзбекистон товар-хомашё биржасининг 20 та савдо майдончаси ташкил этилиб, жорий йилнинг 4 ойида улар орқали 170 миллион долларлик маҳсулот сотилган. Шунингдек, 1 минг 200 дан ортиқ хорижий компания юртимиз биржасига катта ҳажмда маҳсулот қўйишни бошлади.

Шу йил 17 май куни товар-хомашё биржасида савдоларни ва унда маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлати-

миз раҳбари айна жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтди. Йиғилишда бу борада мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, биржа савдоларини ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилди.

Соҳа масъулларининг видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалар, умуман, биржа савдоларини ривожлантиришга оид фикрлари билан қуйида танишишингиз мумкин.

▶ Давоми 2-бетда

ФАРМОНГА ШАРҲ

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИНИНГ МАШАҚҚАТЛИ
МЕҲНАТИ ҚАДР ТОПМОҚДА

Инсон учун тинчлик ва саломатликдан ортиқ неъмат йўқ. Юртимизда одамлар ҳар бир кунидан, ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашининг бош мезони — саломатлик. Демак, инсон соғ-саломат яшаши учун, аввало, шифокорлар қўллаб-қувватланиши, зарур шароитлар яратиб берилиши, пировардида, унумли меҳнат қилиши лозим.

Ҳаммамиз шифо истаб, биринчи навбатда, шифокорга мурожаат қиламиз, ундан маслаҳат оламиз. Ўз соғлигини уйлаган одам, аввало, барча гигиеник талабларни бажариб, доимо шифокор маслаҳатига амал қилади. Шифокорлар куннинг қай вақтида бўлишига қарамай, шифо истаб борган беморга ёрдам кўрсатади, дардига малҳам бўлади.

Шу сабабли шифокорлик касблар ичра энг шарафлиси, десак муболаға эмас. Боиси, инсон ҳаётига дахлдор бўлган ўта масъулиятли касбни

зиммасига олган, бу йўлда фидоийлик билан меҳнат қилиб келаётган ҳар бир тиббиёт ходими эъзозга муносиб. Зеро, инсон саломатлиги жамиятнинг бебаҳо бойлиги, шифокорлар ана шу бойликнинг фидойи посбонларидир. Кўп йиллар давомида тиббиёт соҳасида фаолият юритган инсон сифатида айтишни мумкинки, бундан беш-олти йил аввал юртимизда тиббиёт ходимларига эътибор бу даражада эмасди.

▶ Давоми 3-бетда

ТУРИЗМ

ЎТМИШ ВА
БУГУН ТУТАШГАН
МАСКАНЧортоқ туманида Короскон
қишлоқ тарихи музейи
ташкил этилди

Чортоқ — кўҳна масканлардан. Ғарбда Янгиқўрғон, жануби-шарқда Уйчи туманлари, шимоли-шарқда Қирғизистон билан чегарадош. Чотқол тоғ тизмасининг жанубий этакларида жойлашган. Ҳавоси мусалло. Тоғлардан катта-кичик сойлар оқиб тушади.



Маънавият хазинаси

Короскон сўзи иши осон битадиган маскан маъносини билдиради. Қадимдан бу ерда турли тарафдан кўчиб келган кишилар яшаган. Қишлоқ ўртасидан Чортоқсой оқиб ўтади. Тиллақўприк номи иншоот икки ирмоқни бир-бири билан боғлаб туради. Қишлоқда 40 мингдан зиёд аҳоли бор. Истиқлол йилларида қишлоқ одамлари ҳаёт тарзида ўзига хос ўзгаришлар, янгиланишлар қулоқ ёйди. Ишлаб чиқариш тармоқлари, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш бора-

сидаги истиқболли лойиҳалар аҳоли бандлигини таъминлаб, турмуш фаровонлигини ошириш имконини бермоқда.

“Короскон ором савдо-инвест” МЧЖ ташаббуси билан ташкил этилган музей биноси катта автомобиль йўли бўйида, сўлим Фарғона канали қирғоқларига туташган. Музейдан ўрин олган осори-атика ва топиламалар қишлоқнинг бой ўтмиши, бу ерда яшаб ўтган фозил кишилар ҳақида қимматли ва қизиқарли маълумотларни жамлагани билан аҳамиятли.

▶ Давоми 6-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

НУҚТАИ НАЗАР

БИРЖА —

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИДА ШАФФОФЛИКНИ
ТАЪМИНЛОВЧИ МАЙДОН

Бошланиши 1-бетда

Илҳом НОРҚУЛОВ,
иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни қисқартириш
вазирининг биринчи
ўринбосари:



— Сўнгги йилларда мамлакатимизда бозор иқтисодиётига тўлиқ ўтиш жараёнига пухта замин яратилмоқда. Буни биржага қўйилаётган товарлар сони ва биржа савдолари ҳажми 2-3 баробар ошгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Товар-хомашё биржасида савдоларни ва унда маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари бу борадаги ишлар қоникарли эмаслиги, жумладан, 90 триллион сўмлик савдо мавжуд салоҳиятга мос эмаслиги, айни борадаги имкониятларимиз юқори эканидан келиб чиқиб, ушбу кўрсаткични 300 триллион сўмга олиб чиқиш кераклигини таъкидлади. Бу борада биржа савдоларини ривожлантиришнинг аниқ механизмларини кўрсатиб ўтди. Шунингдек, бу жараёни ташкил этиш, фермер ва юк

Биржа, аввало, бозор муносабатларида шаффофликни таъминловчи майдондир. Шунинг учун биржа савдолари иқтисодиёт ривожига муҳим ўрин тутди.

Биржа савдоларини кўпайтириш учун эса, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ушбу жараёнга жойлардаги ишлаб чиқарувчилар, фермер ва кластерларни кўпроқ жалб этиш, уларни шу йўналиш бўйича ўқитиб, билимини ошириш, биржа савдоларига янги турдаги товар ва маҳсулотларни олиб чиқишини лозим бўлади. Бу, биринчидан, улар учун маҳсулотларини энг яхши

Ислом ЖАСИМОВ,
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
раисининг биринчи ўринбосари:



— Президентимиз йиғилишда биржаларимиз бугунги кунда ўз ролини тўлақонли бажара олмаётганини танқид қилди. Шу боис, барча масъул ташкилотлар, жумладан, Савдо-саноат палатаси зиммасига ҳам бир қатор вазифалар қўйилди. Мақсад — юртимизда бозор иқтисодиёти тамойилларини кучайтириш, шу орқали сотилаётган маҳсулотлар нарх-наволарини тартибга келтириш ва, энг муҳими, бизнесда рақобатни кучайтириш. Бу борада Савдо-саноат палатасининг барча туман ва шаҳарлардаги бўлинмалари ҳузурида савдо майдонларини ташкил этиш бўйича топириқ берилди. Уларнинг асосий вазифаси мана шу савдо майдонлари орқали, биринчи навбатда, тадбиркор ва фермерларнинг маҳсулотларини сотиш. Бу орқали улар биржада маҳсулотини ортқица оворагарчилик ва харажасиз сотиш имкониятига эга бўлади.

Савдо-саноат палатаси маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда савдо майдонлари фаолиятини йўлга қўяди. Олий таълим муассасалари ва чет эллик мутахассисларни жалб қилган ҳолда биржа савдохонлиги бўйича ўқишлар ташкил этилади.

Зойир МИРЗАЕВ,
Тошкент вилояти ҳокими
вазифасини бажарувчи:



— Тошкент вилоятида бугунги кунда 68 нафар брокер фаолият юритиб келмоқда. Буни биржада иштирок этаётган тадбиркорлар сонига таққослайдиган бўлсак, 867 тадбиркорга бир брокер тўғри келяпти.

Ҳисоб-китобларимизга кўра, 220 тадбиркорга бир брокер тўғри келиши учун яна 210 брокер керак. Бу борада, биринчи навбатда, вилоятимиздаги фермер хўжаликларида бухгалтерия соҳасида ишлаётган 170 мутахассис, шунингдек, қолган қисмига янги кадрларни жалб этамиз.

Йиғилишда фермер хўжаликлари раҳбарлари биржа савдоларида иштирок этиши учун уларнинг билиминини ошириш, бунинг учун туманларда ўқув марказлари ташкил этишнинг ечимини топиб берилди.

Тадбиркорлик субъектлари кесимида олганда, бугун вилоятимизда бор-йўғи 24 фойз тадбиркор ўзининг 131 турдаги маҳсулоти билан биржа савдоларида иштирок этапти. Бу жуда паст кўрсаткич, албатта. Ёнг охиригача ушбу кўрсаткични энг камида 35 фойзга олиб чиқамиз. Бунинг учун биржа савдоларига қўйилган маҳсу-

лотларга қўшимча равишда 126 турдаги янги маҳсулотлар рўйхатини шакллантирдик. Бу рўйхат асосли, албатта. Хусусан, 93 та янги лойиҳа ҳисобига 87 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Айни пайтгача биржага маҳсулот чиқараётган тадбиркордан гаров қўйиш талаб этиларди. Энди фермерлар учун бу тартиб бекор қилинди. Шунингдек, тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтган пайтдаёқ биржадан ҳам рўйхатдан ўтадиган бўлди. Бу қулайликлар тадбиркор, фермер ва кластерларнинг ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларини биржага эмин-эркин олиб чиқишига кенг йўл очиб беради.

Абдулла РЎЗМЕТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати:



— Мамлакатимизда биржа савдоларида шаффофлик даражасини ошириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун унинг фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта.

Чунки биржа олдиндан тайинланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қоидалар асосида оммавий ва ошкора савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш учун шарт-шароит яратди.

Ундаги савдолар эркин рақобатни шакллантиради, тадбиркорлар учун янги бозорларни очди, "яширин иқтисодиёт" ва коррупцияни кескин камайтиради. Рақобат ҳамма учун, ҳамма жойда керак. Рақобат бўлмаса, интилиш, ривожланиш бўлмайди.

Президентимиз раислигида товар-хомашё биржасида савдоларни ва унда маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, мутасаддилар олдида аниқ вазифалар қўйилди.

Йиғилишда илгари савдоларда "ўртақаш"лар кўп бўлгани, ўтган йили йирик корхоналар биржадаги очик-ошкора савдолар ҳисобига 8 триллион сўм қўшимча даромад қилгани айтилди.

Аммо шунга қарамай, биржа савдоларини ташкил этиш, маҳаллий тадбиркорларнинг иштирокини кенгайтириш борасида ҳали ҳам айрим камчилик ва муаммолар бор. Хусусан, биржа савдоларининг 85 фоизини 45 турдаги юқори ликвидли товарлар ташкил этмоқда. Тўқимачилик, ипак, чарм ва кабель маҳсулотлари, ҳудудлардан Сирдарё, Андижон ва Сурхондарё вилоятлари корхоналарининг биржа савдоларидаги иштироки паст бўлиб турибди. Туманлар фаолияти таҳлил этилганда, Зангиота 37 турдаги, Кармана 24 турдаги, Дангара ва Жомбой 17 турдаги маҳсулотларни биржага чиқарган бўлса, Андижон, Нурота, Қизилор, Боевот

туманларида атиги 1 турдаги маҳсулот қўйилмоқда.

Бугунги кунда 45 мингдан зиёд маҳаллий саноат корхоналаридан бор-йўғи 3 минг 600 таси биржага ўз маҳсулотини чиқармоқда. Албатта, бу жуда кам. Шу боис, маҳаллий маҳсулотларни биржа савдоларига чиқариш тартиби соддалаштириладиган бўлди. Яъни 1 июлдан биржада алоҳида истиқболли товарлар секцияси ташкил этилиб, маҳаллий тадбиркорларнинг ўз маҳсулотини ортқица ҳужжатларсиз сотиши йўлга қўйилади. Энг яхши сотилган товарлар, кейинчалик, биржанинг асосий савдо майдонларига жойлаштирилади. Маҳаллий тадбиркорларнинг маҳсулотлари учун биржа тўловлари 2 бараварга қисқартирилади, солиқ назоратида тадбиркорларнинг биржа орқали сотилган ёки харид қилинган товарлари бўйича қўшимча ўрганиш ўтказилмайди.

Айтиш жоизки, товар бозорларида нархларни муътадил ва барқарор ушлаб туришнинг энг самарали усули бу — бозор воситалари ва механизмларидан фойдаланиш ҳисобланади. Биржа савдолари эса ушбу вазифаларни ўз зиммасига олади.

Шу нуқтаи назардан, товар-хомашё биржасида савдолар очик-ойдинлик ва шаффофлик тамойиллари асосида ўтказилади, нархлар фақат талаб ва тақлиф асосида шаклланади. Бу эса тадбиркорларнинг товар ресурсларидан эркин фойдаланиш имкониятлари кенгайиши, ҳақиқий бозор нархларининг шаклланиши ва соғлом рақобатнинг ривожланишига хизмат қилаётган.

БИРЖА, АВАЛО, БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИДА ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ МАЙДОНДИР. ШУНИНГ УЧУН БИРЖА САВДОЛАРИ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ.

ташувчиларни рўйхатдан ўтказиб, уларга қулайлик яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Унга мувофиқ, бу йил янги тартиб, яъни фермер ва кластерлар томонидан этиштирилган бугунги биржа савдолари орқали сотиш тизими йўлга қўйилади. Яъни шу йил 1 июлдан фермер ва кластерлар томонидан 500 минг тонна ғалла биржа орқали сотилади. Бу қўшимча 2 триллион сўмлик айланма маблағ дегани.

Шу ўринда ҳақиқат савол турли табиий, албатта: бу вазифа қандай бажарилади, ишни қандай ташкил этиш лозим? Президентимиз йиғилишда буни вилоят ва туманлар мисолида таҳлил қилиб берди.

нархларда сотишга замин яратса, иккинчидан, харидорларга биржадаги турли маҳсулотлар ҳақида хабардор бўлиш имконини беради. Умуман олганда, бу сотувчи ва харидорларни бир жойда учраштириб, самарали савдо муносабатлари ўрнатиладиган майдон.

Йиғилишда, шунингдек, савдоларни ташкил қилишда брокерлар ролини оширишга эътибор қаратилди. Буни ҳам соддалаштирилган тизимда ташкил этамиз. Мингдан ортқ, жумладан, имконияти чекланган юрдошларимиздан юз нафарини брокерликка тайёрлашимиз керак. Яъни уларни ўқитиш орқали ушбу соҳада бандлигини таъминлаймиз.

СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ!

УЗОҚ ЙИЛЛИК АРМОНЛАР УШАЛАДИ



Мирислом УСМОНОВ,
меҳнат фахрийси

Сув — ҳаёт манбаи! Тирикликни сувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мутахассис ва олимларнинг фикрича, инсон танасининг 60-70 фоизи сувдан иборат. Йилига ҳар бир одам 60 тоннагача сув истеъмол қилар экан. Ҳаво салкин бўлса, сувсизликка энг узоғи билан 11 кунгача чидаш мумкин, иссиқда одам ташналикка уч кунгина бардош бера олади.

Ҳозир дунёда 1 миллиарддан ортқ одам ёки жами аҳолининг еттидан бир қисми тоза ичимлик сувга муҳтож. Салкам икки ярим миллиард киши сув тозалаш қурилмалари ва дренаж тизими орзулигича қолаётган ҳудудларда истиқомат қилади. Сифатли ичимлик сув етишмаслигидан жаҳонда йилига 10 миллиондан ортқ одам нобуд бўляпти...

Ана шу рақамларнинг ўзиёқ сувнинг одам ҳаётини яхшилаш, узоқ умр кўриш ва бошқа табиий ресурсларни сақлашдаги аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди.

Халқимиз азалдан ҳар қандай қийинчилик ва муаммага сабру қаноат билан ёндашиб, уларнинг ечимини топган, шукроналик билан яшаб келган. Бу жиҳатлар ичимлик сув таъминоти масаласида ҳам яққол кўзга ташланади. Масалан, Тошкент туманидаги "Кўксарой" маҳалла фуқаролар йиғинидаги қишлоқлар аҳли учун илгари Зоғарикдан оққан сув асосий манба бўлган. Куз-қиш пайтларида эса бу вазифани бажариш маҳаллалардаги ҳовузлар зиммасига тушган.

Туманимизга ўтган асрнинг етмишинчи йиллари ўрталарида ичимлик сув қувурлари тартиб келинди. Афсуски, аҳолининг хурсандчилиги уч-тўрт йилга ҳам етмади. Аввалига сув ҳафтада бир-икки марта, кейинчалик ойда бир келадиган бўлди. Уша кезларда яна Зоғарик каналнинг суви жонимизга оро кирди.

2000 йилда фидойи маҳалладошларимизнинг елиб-югуришлари туфайли Тошкент халқа йўли ёнидан ўтган қувурдан маҳалламизга ичимлик сув тортилди ва муаммо муайян муддатга ҳал этилди. Ўтган 22 йил мобайнида аҳолининг кескин кўпайиши яна сув муаммосини долзарб масалага айлантирди, хонадонларга ҳафтасига бир-икки марта навбат билан сув бериладиган бўлди.


Президентимизнинг 2017 йил 3 мартдаги "Осиё тараққиёт банки иштирокида "Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларида сув таъминоти ва канализация тизимларини реконструкция қилиш ва қуриш (1 босқич)" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори нанки маҳалламиз, балки бошқа туманлар аҳлини ҳам жуда мам-



нун қилди. Чунки унда Тошкент вилоятининг Қибрай, Тошкент ва Зангиота туманлари аҳолисини тўлиқ ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида Осиё тараққиёт банки кредити ҳисобидан 120,8 миллион, Ўзбекистон Республикасининг 22,9 миллион, жами 143,8 миллион АҚШ доллари қийматиға тенг бўлган лойиҳани амалга ошириш белгиланган эди.

2019 йил март ойда учта туманга сув етказиб беришга мўлжалланган "Қодирия" сув иншооти қурилиши бошланган. Айни дамда бу ерда марказий сув тармоқларини ётқириш, филтрлаш, бактериологик лабораториялари, иншоотнинг асосий қисмларини бунёд этиш ишлари олиб борилмоқда.

Иншоот суткасига 100 минг куб метр сувни қайта ишлаш қувватига эга. Сув 6 босқичда тозаланади. Бўзсув каналдан тортиб олинаётган обихаёт манбаси шу ернинг ўзида гидрохлорид натрий билан тозаланади. Тоза сув захирасини сақлайдиган махсус жой ҳам қуриляпти.



Лойиҳадаги ишларнинг натижасида 49 минг 250 дан ортқ хонадонга сув ўлғачиқ ўрнатилиш ҳамда 265 мингдан зиёд аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш кўзда тутилган. Объект фойдаланишга топширилгандан кейин вилоят аҳолисининг ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 60 фоиздан 92 фоизгача ошади. Шундай қилиб, 58 та маҳалла тоза ичимлик сувга эга бўлади.

Тошкент тумани ҳудудида 150 километр ичимлик сув қувурлари тортилди, тўртта сув ҳавзасида қурилиш ишлари давом этапти. Келесдаги шундай иншоот эса қайта таъмирланмоқда.

Туманимизда жамоатчилик назорати гуруҳи тузилган. Унинг таркибида депутатлар, маҳалла раислари ва фаоллар бўлиб, сув қурилиши кетаётган жойлардаги ҳолат, иш сифатини кузатиб борапти.

Иншоотларнинг ўз вақтида ва сифатли қурилиши элимизнинг узоқ йиллик армонлари ушалиши, инсон қадрининг янада кўтарилиши, аҳолининг тоза ичимлик сувга бўлган эҳтиёжи тўла таъминланишига хизмат қилади.

ТОШКЕНТ ШҲТГА АЪЗО
ДАВЛАТЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ
ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИ
РАҲБАРЛАРИ УЧРАШУВИГА
МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

Жорий йил 19-21 май кунлари Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг жисмоний тарбия ва спорт бўйича вазирлик ҳамда идоралари раҳбарларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади.

Йиғилишда келгусида режалаштирилган юқори даражадаги спорт мусобақаларини ташкил этишда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, ШҲТ давлатлари ўртасида спорт соҳасида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, давлатлар ва ҳудудлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади. Шу билан бирга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ўзаро тажриба алмашиш, ёшларни спортга жалб қилишда кенг миқёсда лойиҳаларни амалга ошириш муҳокама-лар марказида бўлади.

Йиғилиш доирасида ШҲТга аъзо давлатларнинг ваколатли органлари ўртасида 2022-2024 йилларга мўлжалланган жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги "йўл харитаси"ни амалга ошириш режаси ҳам тасдиқланади.

Бундан ташқари, ШҲТнинг спорт сектори раҳбарлари жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга қўмаклашиш, спорт орқали дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш, атлетларни рағбатлантириш, Олимпия ҳаракатини ривожлантиришда ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашадилар.

Шу билан бирга, йиғилиш иштирокчиларининг Миллий Олимпия қўмитасига ташрифи ҳамда Тошкент вилоятига сафари ҳам режалаштирилган.

"Дунё" АА

ЖАРАЁН

САЛОҲИЯТЛИ МАҲАЛЛА РАИСИ ЮРТНИ ОБОД, ХАЛҚНИ ФАРОВОН ҚИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Одамларнинг қандай яшаётгани, уларни қийнаётган муаммолар, иш билан таъминлаш, боқувчисини йўқотган ёки кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, уй-жойини таъмирлаш каби масалаларда ҳам маҳалланинг кўмагига эҳтиёж бор. Бир сўз билан айтганда, маҳалла жамиятнинг “жон томири”га айланди. Маҳалла ҳаётининг барқарорлигида, одамларнинг давлатдан рози бўлиб яшашида маҳалла раисининг тажрибаси ва билими муҳимдир. Шу маънода, маҳалла раисини халқ ичидан сайлаш ҳар бир фуқароннинг вазифаси саналади.

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб халқимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — маҳалла фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоли) сайлови қизгин давом этмоқда.

Лазиз ЮСУПОВ,
Учтепа тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи:

— Туманимизда маҳалла раисларини сайлаш, муносиб номзодга овоз бериш тadbирлари уюшқоқлик билан кечмоқда. Айни пайтга қадар 14 маҳаллада сайлов ўтказилди. Туманимизда 60 та МФЙ мавжуд. Сайлов ўтказиш жараёнлари белгиланган тартибга кўра, ташкил этилмоқда. Аҳолидан муаммо ва эътирозлар тушмади. Маҳаллалар аҳолиси ҳар бир номзоднинг сайловолди дастури билан танишиб, маъқул номзодга овоз бермоқда. Сайланган раислар мамлакатимиздаги ислохотларга эш бўлса, халқ ичига кириб, уларнинг муаммоларини ҳал этса, халқ розилиғи учун астойдил меҳнат қилса, давлатимиз олдида ҳам, халқимиз олдида ҳам юзимиз ёруғ бўлади. Шу маънода номзодларнинг тажрибага эгаллигига эътибор қаратилди. Раислар орасида аёллар салмоғи ортб бораётгани қувонарли. Илк сайлов нафақат туманимизда, балки пойтахтимизда ҳам намунали, деб эътироф этилган маҳаллалардан бири — “Шарқ юлдузи”да бошланди. “Гузар” МФЙда ҳам жараён яхши ўтмоқда, маҳалла аҳолиси фаол. Икки номзод кўрсатилган. Ҳар бири ўзига хос тажрибага эга.

Аҳоли орасида маънавий барқарорликни сақлаш, тadbиркорларга кўмаклашиш, ҳудуд ободлиғи, оилалар тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, кексалар ва ногиронлар, ёрдамга муҳтож оилалар ҳолидан хабардор бўлиш, қўйингки, барча масалаларда маҳалла раисининг салоҳиятига эҳтиёж бор. Раис жонқуяр бўлса, ўша маҳалла боғу бўстонга айланади. Аҳоли турмушига файзу барака қиради. Tadbirkor ва ташаббускор одамлар сафи кенгаяди. Аҳолининг муносиб номзодга овоз бериши маҳалла ободлиғига, фаровонлигига ҳисса қўшади.

— Салкам ўттиз йилдан буён “Гузар” МФЙда яшаймиз, — дейди маҳалла фаоли Умида Абдуллаева. — 4 фарзандимиз шу ерда туғилиб, камолга етди. Қиз узатди, келин туширдик, қуда-андали, неварали бўлди. Айни пайтда “Ravshan servis” бошқарув сервис компаниясида ишлайман. Маҳалламизда бўлаётган ҳар бир ўзгариш бизни бефарқ қолдирмайди. Маҳалла раиси сайловига эрта тонгдан етиб келдик. Иккала номзод ҳам маҳалламизнинг энг фаол фуқароларидан. Сайловолди дастурлари билан танишиб чиқдик. Маҳалла раислигига сайланган маҳалладошимиздан кўп янгиликлар кутяман. Ёшларни иш билан таъминлаш, уларга қулай шaroит яратиш, аёллар саломатлиғи, иш билан бандлиги бўйича катта ишлар қилишидан амтирдорман. Иккала номзоднинг ҳам дастурида айнаш шу масала мавжуд.

Сайлов жараёнида маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, иштинки-барча фаоли, нуронийлар, қўйингки, қизлар фаол иштирок этмоқда. Бу сафда ёшлар кўллиги кишини қувонтиради. Дилдора Исмоилова 29 ёшда. Тошкент кимё-технология институтида таҳсил олган. Айни пайтда фарзанд тарбияси билан банд.



“МАМЛАКАТИМИЗДА БЎЛИБ ЎТАЁТГАН ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ (ОҚСОҚОЛИ) РАИСИ САЙЛОВИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ҚИБРАЙ ТУМАНИДА ҲАМ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИЛМОҚДА.

— Бугунги сайлов тақдиримизга бевосита таъсир кўрсатади. Маҳалламизда турли миллат вакиллари бир оиладек яшайди. Бу оиланинг фаровонлигида янги раисимизнинг ўзига хос ўрни бўлади, деб умид қиламан, — дейди у. Сайлов натижасига кўра, Гулбаҳор Нуриева кўп овоз тўлаб, “Гузар” МФЙ раислигига сайланди. Унинг сайловолди дастурида иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, оилалар фаровонлигига эришиш, ёшлар ва болалар таълим-тарбиясида нуронийлар тажрибасидан фойдаланиш, маҳалла ободлиғига ҳисса қўиш, ҳудуддаги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети билан ҳамкорлик алоқаларини мустақамлаш каби масалалар ўрин олган.

— Халқ ишончи зиммамга катта масъулият юклайди, — дейди Гулбаҳор Нуриева. — 1984 йилдан буён турли давлат ташкилотларида хизмат қилдим. Пенсияга чиққан, ўзимизнинг кўп қаватли уйга уйбоши сифатида сайлашди. Қўни-қўшни, уйимиздаги хонадонлар билан ишлаш жараёнида аста-секин маҳалла тузилмаси билан яқиндан танишдим. Маҳалламизнинг, аҳолининг муаммоларини ўргандим. Ўз фаолиятимда бу муаммоларни ҳал этишга, одамларнинг ўз ҳаётидан рози яшашига ҳаракат қиламан. Зеро, бугунги ислохотларнинг бош мақсади ҳам аслида — шу.

ЭЛ ИШОНЧИГА МУНОСИБ БЎЛМОҚ — САОДАТ

Мамлакатимизда бўлиб ўтаётган фуқаролар йиғини (оқсоқоли) раиси сайлови Тошкент вилоятининг Қибрай туманида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимидан маълум қилишларича, тумандаги 67 та маҳалланинг барчасида бу сиёсий тadbир аҳолининг фаол иштирокида, қизгин руҳда ўтаяпти.

Сайловга кўмаклашувчи комиссия ва маҳаллаларда шакллантирилган

ишчи гуруҳ тadbирнинг юқори савияда ўтишида бош-қош бўлмоқда. Бугунги кунгача 11 та маҳаллада сайлов бўлиб ўтди. Жумладан, Ифтихор МФЙдаги сайловда маҳалла фуқаролар йиғини раислиғи учун 3 номзод қўйилди.

Ифтихор — Қибрай шаҳарчасининг йирик маҳаллаларидан бири. 500 дан кўпроқ хонадон, 2,5 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган ҳудудда қатор давлат ташкилотлари, 10 дан зиёд хусусий тadbirkorлик корхонаси фаолият юритади.



Бу маҳалла аҳолиси бандлигини таъминлаш, оилавий тadbirkorлиқни ривожлантиришга замин яратмоқда.

Сўнгги йилларда маҳаллаларда ҳам муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси лавозимлари жорий этилиши ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотларни қабуллатиришмоқда. Турли дафтарлар юритилиши орқали аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами муҳофазаси кучайиб, камбағаллик бартараф этилмоқда.

Маҳаллада аҳолини оммавий спортга жалб этиш, болалар спортини ривожлантиришга ҳам эътибор қўйилган. Маҳалла ҳудудида иккита соғломлаштириш маркази фаолият юратяпти, “саломатлик йўлаклари” барпо этилган. Аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида ҳам имкониятлар кенгайган.

Ҳудудни ободонлашлатириш ислохотларнинг яна бир муҳим йўналиши. Бу борада маҳаллада мавжуд 13 та кўчада тизимли иш олиб бориляпти, кўчаларга тунги ёриткичлар ўрнатилди, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Кўчаларга кузатув камералари ўрнатилгани жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

Шу билан бирга, ҳали бу йўналишда қилинадиган ишлар ҳам талайгина. Кўчаларни таъмирлаш, асфальт қилиш, ободончилик лойиҳаларини изчил давом эттириш, аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни янада яхшилаш каби вазифалар ўз ечимини кўтмоқда. Шу боис, аҳоли маҳалла оқсоқоли сайловида иштирок этаётган номзодлар дастури билан танишар экан, бўлажак раиснинг ана шундай муҳим вазифаларни ҳал этишда билими, салоҳияти, тажрибаси, ташаббускорлигига алоҳида эътибор қаратди.

Номзодлар орасида илгари маҳалла оқсоқоли бўлиб ишлаб келаётган Эминжон Хайруллаевнинг дастурида шу каби масалалар аниқ акс эттирилгани ва уларнинг ечими бўйича тақлифлар илгари сурилгани аҳолига манзур бўлди. Э.Хайруллаев сайловда энг кўп овоз олиб, учинчи бор маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди.

— Сайлов очиқлик, ошкоралик, муқобиллик асосида ўтди, дейиш учун барча асосларимиз бор, — дейди маҳалла фаоли Феруза Латипова. — Сайловга тайёргарлиқнинг илк кунларидан токи сайловгача ҳар бир тadbirkor маҳалла фаоллари, аҳоли жалб этилди. Номзодларнинг дастури ва ғояларини ўргандик. Маҳалламизда кўп йиллардан буён ишлаётган Эминжон ақанинг дастури маъқул бўлди. Чунки бу инсон узоқ муддат маҳаллада ишлаб, катта тажриба орттирди. Аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал қилишда ҳамisha жонбозлик кўрсатиб келади. Унинг дастурида маҳалламизни янада ривожлантириш учун янги ғоялар ҳам кўп. Ишончимиз комилки, қайта сайланган раисимиз билан биргаликда маҳалламизни юртимизнинг энг обод, файзли ва осойишта масканларидан бирига айлантириш орқали мамлакатимиз тараққиётини янада юксалтиришга муносиб улуш қўшамиз.

Табийки, аҳолининг бу қадар юксак ишончи катта масъулият дегани ҳамдир. Эминжон Хайруллаев буни яхши англайди ва шунга муносиб бўлишни эзгу мақсади, деб билади. Президентимиз томонидан белгилаб берилган, маҳаллани ҳамisha одамларнинг дардини эшитадиган ва ташвишларини ҳал этадиган, орзуларини рўёбга чиқарадиган муҳим масканга айлантиришдек эзгу мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришни ўзининг устувор вазифаси ҳисоблайди. Шу боис, ҳозирда маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ дастур ва режаларни белгилаб ишга киришди.

ФАРМОНГА ШАРҲ

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИНИНГ МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТИ ҚАДР ТОПМОҚДА

Мавлуда ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Ойлик маоши жуда кам, самарали фаолият юритиш учун зарур шарт-шaroит, қулайлик йўқ эди. Кўпчилик тиббиёт ходимлари асосий ишлари қилиб, бошқа юмушларга жалб этилган.

Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки давридаёқ аҳоли саломатлигини асраш, айниқса, шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини юксалтириш, ушбу касб эгаларига муносиб меҳнат шaroити яратиш ва даромадини кўпайтириш, уларнинг иш ҳақини ошириш, уй-жой билан таъминлаш масаласини устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берди.

Натижада халқимиз саломатлиги йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган саломатлик посбонлари шарафланиб, ҳурмат-эҳтиром кўрса-



ли ишларга камарбаста бўлишда саломатлик посбонларига куч-қувват бахш этади.

Илгари янги иш бошлаган кадрларга деярли эътибор қаратилмас эди. Ушбу фармон билан салоҳиятли ёш шифокорларга 1 миллион сўмгача махсус ойлик устама белгиланди. Шунингдек, оилавий шифокорларнинг оилавий ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда кундузги стационар иш вақти-

“ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2022 ЙИЛ 17 МАЙДАГИ “ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ МОДДИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРАТАДБИҲЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ ҲАМ ЎЗ ВАҚТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГЕНИ БИЛАН НИҲОЯТДА АҲАМИЯТЛИ.

тилмоқда. Мамлакатимизда сўнгги беш-олти йилда тиббиёт соҳасида мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Халқимиз саломатлигини асраш ва умр кўриш даражасини ўзайтириш мақсадида кенг кўламли ишлар қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари, бир неча бор ўтказилган видеоселектор йиғилишлари замирида ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва саломатлик посбонларини қўллаб-қувватлашдек эзгу мақсад мужассам.

Президентимизнинг 2022 йил 17 майдаги “Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳам ўз вақтида қабул қилингани билан ниҳоятда аҳамиятли.

Фармонга мувофиқ, жорий йил 1 июндан бошлаб давлат тиббиёт муассасалари тиббиёт, фармацевтика ва бошқа ходимларининг ойлик маоши олий ва биринчи малака тоифаларига эга бўлган тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун — 15, иккинчи малака тоифасига эга бўлган ва тоифага эга бўлмаган, шунингдек, бошқа тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун — 10, тиббиёт муассасаларининг бошқа ходимлари учун — 15 фоизга оширилади. Бунга тиббиёт муассасаси ходимларининг тариф ставкаларини ҳисоблаш амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари бўйича тариф коэффициентлари тегишлича 1,1 ва 1,15 баргача кўпайтириш орқали эришилади.

Мазкур ҳужжатнинг яна бир эътиборга молик томони шундаки, ходимларни моддий рағбатлантиришга ажратилган маблағлар ҳисобидан давлат тиббиёт муассасасининг юқори малакали, алоҳида натижага эришган, ҳалол ва виждонан ишлаётган тиббиёт ҳамда фармацевтика ходимларига ойлик лавозим маошининг 100 фоизгача ҳамда бошқа ходимларга 75 фоизгача ойлик устама тўлаб берилади. Бу, ўз навбатида, аҳоли фаровонлиги, турмуш шaroитини яхшилашдек хайр-

ни соат 20:00 гача ўзайтириш ҳисобига иккинчи сменада ишловчи шифокор ҳамда ҳамшираларга лавозим маошининг 30 фоизгача ойлик қўшимча устамалар тўлаб берилади.

Фармонга биноан, жорий йил 1 сентябрдан бошлаб даволаш-профилактика муассасалари ходимларига, уларнинг тиббиёт соҳасида ва меҳнат фаолиятида илмни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини инобатга олган ҳолда, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан фан доктори (Doctor of Science) илмий даражаси учун лавозим маошининг 60 фоизгача ва фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун лавозим маошининг 30 фоизгача миқдорда ҳар ойлик қўшимча ҳақ тўланиши ҳам белгилаб қўйилди.

Яна бир муҳим жиҳат. Бундан буён узоқ ва олис ҳудудларга бориб ишловчи шифокорлар меҳнати ҳам қадрланади. Чунки фармонда 2022 йил 1 июлдан бошлаб вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан, шунингдек, хорижий давлатлардан Қорақалпоғистон Республикасининг Ташкўпир, Чимбой, Қораўзак, Бўзатов, Шуманой, Қўнғирот туманларига бориб ишловчи шифокорлар ойлик лавозим маошига дастлабки уч йил давомида 100 фоиз, Мўйноқ туманида эса 200 фоиз миқдорда қўшимча ҳар ойлик устама тўловлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланиши белгиланган.

Умуман, юртимизда эл-юрт саломатлигини асраш ва мустақамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларини муносиб рағбатлантириш доимо эътибор марказида бўлиб келмоқда. Буни уларнинг иш ва турмуш шaroитини яхшилаш, замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, моддий манфаатдорлигини оширишга қаратилган ислохотлар мисолида кўриш мумкин.

Албатта, бу ғамхўрлик замирида инсон саломатлигини асраш ва кадрини улуғлашдек муҳим тушунча мужассам. Зотан, шифокорлар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, бу — юртимиз гуллаб-яшнашига, соғлом авлод камол топиб, янги Ўзбекистон келажagini яратишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Башорат ЮНУСОВА,
Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон”
мухбирлари



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official

ИСЛОҲОТ

КЎПГА КЎМАКЧИ БЎЛИБ...

Фарғона вилоятининг Бағдод туманидаги “Чекхитой” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳоким ёрдамчиси бўлиб иш бошлаган Нурматжон Ғиёсов билими ва ташкилотчилик қобилияти билан дарров кўпнинг эътиборига тушди. Маҳалла аҳли унга ишонапти, дардини айтипти. Сабаби, Нурматжон масъулиятли вазифага тайинлангунга қадар аҳоли билан ишлашда яхшигина тажриба тўплаган, “Золотая долина” корхонаси раҳбари эди.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Чекхитой” маҳалла фуқаролар йиғини туман марказидан 20 чакирим олисда жойлашган. Маҳалладаги 503 та хонадонда 2200 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Хатлов жараёнида оилаларнинг иқтимоий аҳоли, томорқасидан фойдаланиш даражаси, тадбиркорликка иштиёқи бўйича ўрганишлар олиб борилди. Натижада биринчи, иккинчи ва учинчи тоифага кирувчи 296 та хонадон билан ишлаш, уларнинг даромадини ошириш бўйича йиллик “йўл харитаси” ишлаб чиқилди. 130 нафар ишсиз фуқаро аниқланиб, ҳозирга қадар кооперация усулида 100 нафарининг бандлиги таъминланди. Шунингдек, аҳоли кундалик ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган инфратузилма тармоқлари қуриш ва таъмирлашдек муҳим вазифалар ечимига эътибор қаратилмоқда.

Маҳалла деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашяпти. Бу ерда супурги ва мочалка етиштириш, қайта ишлаш орқали ички ва ташқи бозорга маҳсулот етказиб беришда яхши тажриба тўплаган. Деярли ҳар бир хонадон шу иш билан шугулланади. Гапнинг сираси, маҳалла аҳли меҳнаткаш, ҳамжиҳат, фақат уларга шароит яратиб, маблағ бериш керак.

Балиқ эмас, қармоқ берилди

Ҳоким ёрдамчиси маҳаллада тадбиркорлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш, мавжуд имкониятларни кенгайтириш, шу орқали ўзини ва бошқаларни банд қилишига эришиш, маблағлардан тўғри фойдаланишга ўргатиш ишларини тизимли ташкил этган. Олиб борилаётган тартиб-ташвиқотлари туфайли 77 нафар “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га кирган фуқарога 12 сотихдан экин майдони ажратилиб, ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтди.

Бу каби мисоллар кўп. Энг муҳими, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, дастурхонлар тўқинлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар маҳалладаги ҳар бир оилада бўй кўрсатмоқда.

— Ишсизлигим сабабли ўзим “Ёшлар дафтари”га, турмуш ўртоғим “Аёллар дафтари”га киритилганимиз. Ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан бизга 12 сотих ер ўн йил муддатга берилди,

— дейди Обиджон Комилов. — Бу жуда катта имконият. Мочалка эқдик. Сабаби бу маҳсулот бизда яхши ривожланади, харидорғир. Мавсумда 3 минг донадан ортиқ маҳсулот териб оламиз. Бу қарийб 18 миллион сўм даромад дегани. Экинлар оралиғида सबзавотлар парваришляймиз. Бу ҳам қўшимча даромад олиш имкониятини беради.

Набижон Мамажоновнинг 4 сотихдан ортиқ томорқаси бор. Аммо шу кунга қадар ундан унумли фойдалана олмаган. Ҳоким ёрдамчисининг таклифи билан иссиқхона қуриш учун 30 миллион 800 минг сўм имтиёзли кредит олди. Бугун бу хонадон томорқасида бўлган киши ҳовли сатҳига туташ иссиқхонадаги бодринг ва помидор ҳосили чўғини қўриб, қўзи қувонади. Бодрингни аллақачон бозорга чиқарди.



— Маҳалладагилар келиб томорқада иссиқхона қуриб бериш таклифини айтишди. Бу оиламиз учун катта имконият, — дейди Набижон ака ҳосил нишонларини кўрсатиб. — Ташкилотчиларга раҳмат. Кўчат, керакли ўғитлар ҳам олиб келиб берди. Экинларимиз ҳосил бера бошлаганига ўн беш кундан ошди. Ҳар кун 80-100 минг сўмлик маҳсулот сотялмиз. Санокли кунлардан сўнг помидоримиз ҳам пишади. Аввалгидек, кўчада гап сотиб ўтиришга вақт йўқ. Меҳнатга яраша даромад олялмиз, дастурхонимиз бут.

Ҳоким ёрдамчисининг ташаббуси билан маҳаллада саноат йўналишида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини йўлга қўйиш орқали ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини



оширишга эътибор қаратилмоқда. Масалан, Лазизбек Ботиралиев уй шароитида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Имтиёзли кредит асосида 5 та тикув машинаси сотиб олди. Тикув-бичувга қизиққан 9 нафар хотин-қиз билан касаначилик асосида маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйди.

Соҳира Усмонованинг турмуши бўлмади. Шу боис, рўзгорини юритиш учун анча пайт ёлланма ишларни бажаришга мажбур бўлди. Бугун у кунлар хотирага айланди. Соҳира моҳир чевар, меҳрибон она, уй бекаси сифатида маҳаллада ҳурмат ва эътибор топди.

— Уй омушлари ва фарзанд тарбиясидан ажралмасдан фойдали меҳнат билан банд бўлдим, — дейди касаначи Соҳира. — Айни дамда болалар спорт майкалари тикялмиз. Маҳаллий хомашёдан тайёрлаётган маҳсулотларимизнинг бозори катта. Даромад ҳам шунга яраша бўлмоқда. Насиб қилса, ишлаб толган саромоямни оилавий бизнесимни ривожлантиришга йўналтирмоқчимиз.

Янги ташаббуслар

Нурматжон иш фаолиятини бошлаган кундан маҳалладаги етакчи тадбиркорларни бир мақсад йўлида ҳамжиҳат ишлашга чақирди. Ҳозирги кунда

маҳалладаги 5 та етакчи тадбиркорга 500 дан ортиқ хонадон бириктирилган. Бундан ташқари, биринчи чорак давомида 250 минг АҚШ долларлик супурги ва мочалка маҳсулотлари Грузия ҳамда Россия давлатларига экспорт қилинди. Йил якунига қадар бу йўналишдаги экспорт ҳажмини 1 миллион долларга етказиш мақсад қилинган. Фақат бугина эмас. Аҳолига сифатли савдо ва сервис хизматлари кўрсатиш мақсадида маҳалладаги бўш турган ерда 90 та енгил конструкцияли шохобча фаолиятини йўлга қўйиш борасидаги ишлар ҳам бошлаб юборилди. Андижон — Ўш катта автомагистраль йўли бўйида қад рўстлаётган мажмуа бир вақтнинг ўзига 180 нафардан зиёд аҳоли бандлигини таъминлайди.

— Кунлар илий бошлаши билан иш излаб, ўзга юртларга боришга мажбур бўлардик, — дейди Дониёр Эсоналиев. — Маҳалла фаоллари, ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан худуддаги бўш турган жойда хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчаси қуриш учун ер ажратиб беришди. Автомобилларга хизмат кўрсатиш устанонаси қўрпямиз, 4 та янги иш ўрни яратилди. Бу ерда мен каби четда иш излаб юрган 40 нафарга яқин маҳалладошим тадбиркорлик йўналишида иш олиб бормоқда.

— Президентимиз ташаббуси билан аҳоли муаммоларини ўрганишга қаратилган “маҳаллабай” ишлаш тизими раҳбарлар ва халқ ўртасида қўлрик бўлаётгани рост, — дейди Нурматжон Ғиёсов.



— Одамлар бизга ишонмоқда. Яқин-яқинга қадар маҳалламиздаги биронта кўчага шағал ҳам, асфальт ҳам ётқизилмаганди. Кўча чироқлари ва сув таъминоти тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади. Бугун ҳолат ўзгарди. Аҳоли кундалик ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган инфразилма тармоқлари қурилмоқда. Саховатпеша кишилар кўмағида янги трансформатор, симёғоч ва тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. 1500 метр ички йўл асфальт қилинди, 1540 метрига шағал ётқизилди. 1 километрдан ичимлик суви қувури тортиб келинди, 2 та кам таъминланган оиланинг уйи қайта қуриб берилди. 7 нафар фуқарога тикувчилик, иссиқхона, чорвачилик йўналишлари учун 399,4 миллион сўмлик кредит ажратилди. 24 нафар фуқаро касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилмоқда.

Ҳоким ёрдамчисининг қўл телефони бетўхтов жиринглайди. Чунки аҳоли турли масала ва муаммолар юзасидан унга мурожаат қилади. Маҳалла аҳли унга ишонгани боис, ҳар бир масалани унинг ёрдамига ижобий ҳал этишни истайди.

— Бу тизим халқнинг муаммоларини юзга чиқарди, — дейди маҳалла райиси Одилжон Ғазиев. — Нурматжон ёш, гайратли. Бошлаган ишини охирига етказди, ташаббускор. Шу ёшда ҳам ундан қўп нарсани ўрганилман. Билим ва салоҳияти етарли. Айни кунда супурги, мочалка, सबзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт йўналишида кластер ташкил этиш борасида иш олиб бормоқда. Бу “Даладан дастурхонга” тамоилли асосида иш олиб бориш, аҳоли бандлигини таъминлашда янги имкониятлар эшигини очади.

Сирасини айтганда, аҳоли муаммоларини ўрганиш, маҳаллани иқтимоий-иқтисодий ривожлантиришда кўпга қанот бўлаётган ҳоким ёрдамчилари зиммасига катта масъулият юклаган. Бунда уларнинг ташаббускорлиги, мутасаддилар билан ҳамкорликдаги сазй-ҳаракатлари ҳал қилувчи роль ўйнапти.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Феруза ЖЎРАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ҳар бир худуднинг ўзига хос хусусиятлари, “ўсиш нуқталари” бўлади. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётга инновацион ишланмаларни татбиқ этишда ана шу жиҳатлар муҳим ўрин тутати. Аҳоли ўз имкониятлари ва яшаётган худудининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, қайси соҳада янгиликлар яратиш кераклигини яхши билади. Чунки муаммо ва камчиликларни биринчилардан бўлиб кўрадиган ҳам, янги технологиялар самарасини ҳис қиладиган ҳам ўша худуд аҳолисидир.



Инновацион ҳудудларнинг “олтин занжири”

Маҳсулот таннархи арзонлашади

Саноатга инновацион технологиялар жорий этилса, маҳаллий хомашёдан янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш имкони пайдо бўлади. Қолаверса, вақт ва маблағ тежаллади.

Қурилиш соҳаси юртимиз иқтисодиёти драйверларидан биридир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда пеноблок, газобетон блоклар, гүлроғоз, керамогранит, кўйма пол каби қатор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Марҳамат инновацион худудидея ресурстежамкор пеноблок ва полистроблок тайёрлаш қурилмасининг тажриба-саноат намунаси яратилган. Ҳозир “Good innovation building” МЧЖ ушбу турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқармоқда. Лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида, аввало, ички бозорнинг шу турдаги маҳсулотга бўлган талаби қондириляпти, қолаверса, тумандаги 50 нафарга яқин ишсиз ёш доимий иш билан таъминланди.

— Пеноблок енгил ва бардошли бўлади, — дейди лойиҳа раҳбари, техника фанлари бўйича фалсафа доктори Миркомил Халилов. — Пеноблок оғирлиги оддий бетондан 87 фоизгача енгил, шу боис, ташинишга қулай. Оғирлигининг сезиларли камайиши мустаҳкамликни оширади. Қўпikli бетон деб ҳам номланадиган мазкур қурилиш ашёси экологик тоза материалдир. Шунингдек, пеноблок биринчи даражали ёнгинқаршилик кўрсаткичига эга бўлиб, ёнгин тарқалиши билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олади.

Қатор афзалликларга эга қурилиш ашёларини тайёрлаш учун мўлжалланган комбинациялашган қурилманинг

ўзимизда ишлаб чиқарилиши маҳсулот таннархи арзонлашиши ва логистика харажатлари тежаллишига хизмат қилади. Шунингдек, қурилмада самарали конструкторлик ечими мавжуд бўлиб, кўчма ҳолатда ҳам ишлатиш мумкин.

500 килограмм чигит тежалди

Ўтган йили Инновацион ривожланиш вазирлиги Андижон машинасозлик институти талабаларининг қатор лойиҳаларини молиялаштирди. Натижада гоғлар тайёр маҳсулотга айланди.

Институт талабаси Хурсанали Бекбоев пахта чигитини экишга тайёрлайдиган қўп алангали қурилма яратди. Мазкур қурилма кимёвий ва механик усуллардан холи равишда табиий газда ишлайди. Уруғлик зарарланмайди.

— Янги технология асосида тайёрланган пахта чигити униб чиқиси 95 фоиздан ортиқ, ҳосилдорлик эса 2,5 центнер юқори бўлади, — дейди Х.Бекбоев. — Чигитни аъъанавий экишга тайёрлашда механик ва кимёвий ишлов берилади. Бундай усулда уруғнинг 33 фоизгача қисми ярқоксиз ҳолга келади. Янги усулда эса чигит қўп алангали қурилмада туксизлантирилиб, 98 фоиз қисми уруғликка яроқли ва қайта ишланувчан бўлади. Пуч чигитлар ҳисобига 2 фоиз қисмининг йўқотамиз. Бу кўрсаткичлар, ўз навбатида, таннархни пасайтиради. Тайёрлаш технологияси оддий. Импорт ускуна ва хомашёлар талаб қилинмайди. Ишлатилиши содда бўлгани боис, малакали ишчиларга эҳтиёж йўқ. Кўчма қурилма соатида 120 килограмм маҳсулот тайёрлаш қувватига эга.

Қурилманинг яна бир афзаллиги шундаки, катта ер майдони талаб қилин-



майди. Шунингдек, аъъанавий усулда тайёрланган уруғ унга кимёвий ишлов берилгани учун ортиб қолган қисминини қайта ишлатиш мумкин эмас. Мазкур усулда эса уруғликдан ортан чигитдан ёғ олиш ёки чорва озуқаси сифатида фойдаланиш мумкин.

Экишга тайёрлаш жараёнида йўқотилган бўлмагани боис, қурилма аъъанавий воситаларга нисбатан бир гектарга сарфланадиган ўртача 10 килограмм уруғни иқтисод қилиш имконини беради. Арзимасдек туюлиши мумкин. Аммо бу 50 гектар майдонга экиш учун тайёрланадиган уруғнинг 500 килограмми тежалди, дегани.

Ҳосилдорлик 2 баробар юқори бўлади

Дунё кўчатчилигида кенг қўлланиладиган биотехнология услубларидан энг

машхури — ин-витро. Ўсимликларни туқмадан кўпайтиришни назарда тутадиган мазкур усулда бирор экоматериал барги ва илдизидан ажратиб олиниб, шиша идишда махсус озуқага ташланади, шу ҳужайрадан соғлом, вируслардан холи ўсимлик олинади. Моҳиятан “ишча ичида” маъносини англатадиган бу усул ўсимликларни клонлаш ва ҳар қандай тупроқда унумли ҳосил олиш имконини беради.

Марҳамат туманидаги “Ипак кўчат кластер” фермер ҳўжалигида ин-витро лабораторияси ташкил этилиб, 2 та махсус иссиқхона барпо этилмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад — юртимизда ипак кўрти озуқа базасини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, шу орқали юқори ҳосил етиштириш. Шунингдек, келгусида янги тут навиини маҳаллий ипак кўрти боқувчиларига етказиб бериш ҳамда хорижга жўнатиш ният қилинган.

— Замонавий биотехнологиялар ёрдамида кўчат етиштиришнинг афзалликлари кўп, — дейди лойиҳа раҳбари Абдулатто Мусурмонқулов. —

баробар арзон. Қўлатишга, хориждан олиб келинадиган кўчатларни фақат дурагай. Бир дон дурагай кўчатнинг ўртача нархи 1 минг 500 сўм. Аммо унинг униб кетиши кафолатланмаган. Фермер ҳўжалиги эса харидорларга худди шу нархда вируслардан холи, навдор ва серунум кўчатларни таклиф этмоқда.

Кўчатларнинг илдиз олиши, тупроқ шароитига мослашиши учун махсус иссиқхона ҳам қурилмоқда. Зарур шароитлар яратилган лабораторияда ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан нав тозаллиги кафолатланади.

Мазкур фермер ҳўжалиги юртимизда серхосил тут кўчати етиштирувчи етакчи кластер сифатида танилган. Бу ерда “Ўзбекистон дурагайи”, “Марҳамат-2017” каби серхосил тут навлари яратилган бўлиб, 2021 йилда 3,5 миллион туп тут кўчати кўпайтирилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ипакчилиги озуқа базаси, асосан, ўртача ҳосил берувчи, эркин чангланган дурагай туплардан иборат, навли туплар эса нисбатан оз.

Мазкур лабораторияда 6 ойда 100 мингдан 130 минг тупгача навод тут кўчати тайёрлаш имконияти мавжуд. Тайёр кўчатлар юртимизда ипак кўрти озуқа базаси сифатини яхшилаш ва ҳосилдорлигини оширишда муҳим омили бўлмоқда.


Тадқиқотчининг айтишича, бир гектар тўтзордан олиннадиган барг ҳосили ха-шаки ва дурагай тупларга нисбатан 1,5-2 баробар юқори бўлади. Мўҳими, давлат реестрига киритилган, турли худудларда кўпайтиришга мўлжалланган навод ва касалликлардан холи кўчатлар етиштирилади.

Лойиҳа доирасида 25 та доимий ва 120 дан ортиқ мавсумий иш ўрни яратилди.

Илғор ғоя ва ташаббусларни амалиётга татбиқ этиш таъбиқлашга эришининг муҳим босқичларидан биридир. Бу каби ишларнинг жадал суръатларда давом эттирилиши мамлакатимизнинг инновацион ривожланишини тезлаштириш билан ҳам аҳамиятлilдир.

Дастурлаш, биотехнология, робототехника... Ғайриодатий саналган ихтиролар ҳаётимизга қанчалик тез кириб келаётган бўлса, уларнинг ҳайратомуз қўлайликлари шунчалик тез оддий ҳолга айланмоқда.

Ғоясини амалиётга татбиқ этиш исти-тагидаги минглаб ёшларга имкониятлар эшигини очётган мазкур инновацион худудлар сабаб оранимизда инноватор, ихтирочи, дастурчилар сафи кенгайилмоқда. Қувонарлиси, маҳаллий олимлар томонидан яратилган лойиҳалар асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат юртимиз, балки хориж бозорларидан ҳам жой олмақда. Бир сўз билан айтганда, инновацион худудга айлантирилган туманлар “яxши ғоям бор”, деган ёшлар учун кенг имкониятлар масканига айланди.



Доктор Волфганг ХЕРМАН: “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УНИВЕРСИТЕТИ ЮРТИНГИЗДАГИ ТАЪЛИМ ИСЛОХОТЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Бошланиш 1-бетда

Яқинда Мюнхен техника университети фахрий президенти, “Янги Ўзбекистон” университети фахрий ректори, доктор Волфганг Херман мамлакатимизда меҳмон бўлди.

Профессор Херман ноорганик ва металл органик кимё соҳасида илмий изланишлар олиб боради. У кўплаб академик жамиятлар аъзоси, Германия ва бошқа мамлакатлардаги 13 та университетининг фахрий доктори, ISI (International Scientific Index) рейтингига кўра, энг кўп тилга олинган олим кимёгарларидан бири, саккиз юздан ортиқ илмий мақола ва саксонга яқин патент муаллифи.

Мухбиримиз фахрий ректор Волфганг Херман билан юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, “Янги Ўзбекистон” университети ҳақида суҳбатлашди.

— “Янги Ўзбекистон” университети ташкил этилганига ҳадемай бир йил бўлади. Сизнингча, ўтган даврда бажарилган ишлар самараси бугун нималарда кўринмоқда?

— “Янги Ўзбекистон” университети юртингизда амалга оширилаётган таълим ислохотларининг мустаҳкам пойдеворидир. Уни ташкил этиш ташаббуси билан чиққан ва қўллаб-қувватлаган давлатингиз раҳбарига миннатдорлик билдираман. Мазкур олий таълим муассасаси аста-секин халқаро майдондан муносиб ўрин эгаллаётгани, ўқитиш чет тилида олиб борилаётгани, тўлиқ тадқиқотларга асослангани, таълим жараёнига хориқлик ва маҳаллий юқори малакали профессорлар жалб этилгани, дарс бераётган педагогларнинг илмий салоҳияти юқорилиги билан бирга амалиётдаги, тадқиқотчиликдаги кучли тажрибаси инobatта олинганини таъкидлашни истардим.

“Янги Ўзбекистон” университети ташкил этилганидан буён унча кўп ўтмаган бўлса-да, салмоқли ютуқларга эришилганини кўриш мумкин. Масалан, хорижий нуфузли ташкилотлари ва таълим муассасалари билан муваффақиятли ҳамкорлик йўлга қўйилди. Жумладан, Германиянинг TUM International GmbH ташкилоти, Мюнхен техника университети билан яқин алоқалар ўрнатилди.

Янги университетнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш ўзаро интеграция қилинади. Бу ерда тахсил оладиган талабаларни биринчи курсданок ишлаб чиқариш муассасаларига бириктириш кўзда тутилган. Улар биринчи курсдан илмий мақолалар ёзишни ўрганиш учун профессорларга бириктирилади. Германиянинг Мюнхен тех-



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УНИВЕРСИТЕТИ ТАШКИЛ
ЭТИЛГАНИДАН БУЁН УНЧА КЎП ЎТМАГАН БЎЛСА-
ДА, САЛМОҚЛИ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИЛГАНИНИ
КЎРИШ МУМКИН. МАСАЛАН, ХОРИЖНИНГ
НУФУЗЛИ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИ БИЛАН МУВАФФАҚИЯТЛИ
ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ. ЖУМЛАДАН,
GERMANYNIN TUM INTERNATIONAL GMBH
ТАШКИЛОТИ, МЮНХЕН ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
БИЛАН ЯҚИН АЛОҚАЛАР ЎРНАТИЛДИ.

ника университети “Янги Ўзбекистон” университетининг стратегияси ва бошқарув тузилишини, академик дастурларини ишлаб чиқиш каби кўплаб масалаларни ҳал этишда ҳамкорлик қилади. Бундан ташқари, ўзаро келишув доирасида университетнинг сараланган 9 нафар талабаси Германиянинг машҳур sanoat корхоналарида қисқа муддатли амалиёт ўташ имкониятига эга бўлди. Амалиёт давомида ёшлар университетда олган назарий билимларини амалда қўллади.

Айни пайтда АҚШнинг Массачусетс технология институтини билан ҳамкорлик ўрнатилган. Келгусида мана шу нуфузли олий ўқув юртаринининг малакали профессорларини “Янги Ўзбекистон” университетига жалб қилиш ва улар ёрдамида олийгоҳнинг кейинги тузилмаси ҳамда янги очилдиган йўналишлари учун ўқув дастурлари ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Табиий ёки ижтимоий фанлар, кимё муҳандислиги билан бирга, тиббиёт йўналиши бўйича ҳам кўплаб ишлар бажаришмоқда.

Университет биноси Ўзбекистонда ҳали кузатилмаган инновацион услубда қурилади ва ўзида улкан лабораторияни жо этади. Ҳозир объектни қуриш бўйича ишлар жадал давом эттирилмоқда. Мюнхен техника универ-

ситети томонидан “Янги Ўзбекистон” университетига ўзига хос экотизим барпо этиш кўзда тутилган. Дунёга машҳур олий ўқув юрталари тажрибаси ва кўмагидан фойдаланиш, яқин келажақда талабалар ҳамда профессорлар алмашинув дастурларини йўлга қўйиш каби соҳаларда келишувга эришилади. Айтиш мумкинки, бу каби келишув ва саъй-ҳаракатлардан мақсад, энг аввало, ёшларнинг чет эл ўқитиш стандартлари асосида таълим олиши ва юқори технологиялар билан яқиндан танишган ҳолда амалиёт ҳамда кўникмага эга бўлиши ва юртингиз рағнақи учун ўз хиссасини қўшишга замин яратишдан иборат.

Шу ўринда мамлакатингизда таълим йўналишида амалга оширилаётган ислохотларни яна бир бор таъкидламоқчиман. Айниқса, иқтидорли ўқувчиларни саралаб олиш ва улар билан ишлаш бўйича бажарилаётган ишлар, жумладан, Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилгани ҳам эътирофга лойиқ. Бу йўсинда иқтидорли ўқувчиларнинг илмий, ижодий, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш давлатнинг, жамиятнинг тараққиётига асос бўлади.

Бундан 50 йил олдин Мюнхенда ўқиш учун кичик бир хонани ижарага олиб, яшаганман. Бугун эса манзара ўзгача. Бунини Ўзбекистондаги таълим муассасалари мисолида ҳам кузатиш мумкин. Айниқса, Президент мактабларидаги шинам ётоқхоналар, кутубхона ва спорт мажмуаларини кўриб, яна бир бор мамлакатингизда ислохотлар гоёси тўғри танланганига амин бўлдим. Биз Ўзбекистон деганда фақат Тошкентни тушунмаймиз. Бугун ҳар бир ҳудудда ихтисослаштирилган мактаблар таъкил этилаётгани ҳам соҳа бўйича амалга оширилаётган ислохотлар натижасидир. Таълим сифати ошиб бораётгани фақатгина пойтахтда эмас, Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудида, ҳар бир туманида кузатишмоқда.

Шу ўринда бир таклиф айтмоқчи эдим. Ўзбекистонда мактаб таълими

ТАЪЛИМ

ҳам яхши ривожланган. Бу хоҳ ихтисослаштирилган таълим муассасаси бўлсин, хоҳ оддий мактаб — ўқитиш сифатини юксалтириш, кўпроқ муваффақиятга эришиш учун ўқитувчиларнинг салоҳияти ва маҳоратини мунтазам ошириш керак. Мактабларга юқори малакали, салоҳиятли ўқитувчиларни жалб қилиш борасида доим бош қотириш зарур...

— Сизга “Янги Ўзбекистон” университети фахрий ректори бўлиш таклифи билдирилганда қалбингиздан кечган ҳис-туйғулар билан ўртоқлашсангиз.

— Аввало, бу университет Президентингиз ташаббуси билан ташкил этилгани менда катта ишонч ва таассурот уйғотди. Давлатингиз раҳбари таълим тизимини юқори ўринга олиб чиқиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда очилган янги университет бошқа олий таълим муассасаларига намуна вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, мамлакатингиз географик ва sanoat корхоналари joyлашуви жиҳатидан жуда ҳам қўлай ўринда.

Яна бир жиҳат шуки, университет Ўзбекистоннинг ва дунёнинг ҳозирги юқори даражадаги талабаларидан келиб чиққан ҳолда ўз истиқболли йўналишларини белгиланган. Аввало, давлатингиз раҳбарининг таълимга қаратаётган юксак эътибори мени жуда хурсанд қилди. Чунки ушбу қадим мамлакатнинг ривожига улкан ҳисса қўшади. Зотан ҳар бир мамлакатнинг келажаги ёш авлод билан узвий боғлиқ. Шундай экан, янги университетнинг ташкил этилганини, биринчи навбатда, келажаққа киритилаётган катта сармоа, деб билдим.

Мен 50 йилдан ошироқ вақт таълим соҳасида ишладим. Шунинг учун юртингизда ёшларга яратилаётган имкониятлар ва “Янги Ўзбекистон” университетини ташкил этиш гоёсининг аҳамиятини яхши англайман ва жуда юқори баҳолайман. Бундан ташқари, юртингиз ёшларининг муҳандислик соҳасига қизиқиши мени жуда ҳайратга солди. Маданиятга, тарихга катта эътибор қаратилаётгани ва ҳамкорлар билан шаффоф ва адолатли муносабатларни йўлга қўйгани университетнинг энг катта ютуғи, деб биламан. Шу боис ҳам “Янги Ўзбекистон” университетининг фахрий ректори эканимдан мамнуният туюман.

— Университет халқаро рейтингларда юқори поғонани эгаллаши учун бугун қандай чора-тадбирлар қўрилмоқда?

— Университетнинг барча йўналишдаги ҳамкорлиги жаҳоннинг етакчи университетлари рўйхатидан ўрин олишга қаратилган. “Янги Ўзбекистон” университети ва дунё олий таълим муассасалари рейтингига киришга йўл-йўриқ кўрсатадиган THE (Times Higher Education) ташкилоти ўртасида меморандум имзоланган бўлиб, яқин 2 йилда университет кўрсаткичини юқори поғонага кўтариш ва 2030 йилга бориб, мазкур олий ўқув юрти дипломини чет мамлакатларда тан олинган даражага олиб чиқиш кўзда тутилган.

“Янги Ўзбекистон” университетининг жаҳон рейтингидан жой олиши ва келажақда дунёнинг нуфузли олийгоҳлари рўйхатига кириш юзасидан халқаро талабга жавоб берувчи мезонларга мувофиқ саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Шунингдек, университет профессор-ўқитувчилари дунёнинг етакчи рейтингига кирувчи журналларда илмий мақолалар чоп этириш устида ишламоқда. Янги гоё ва ташаббуслар, ихтиролар юзига келмоқда.

— Ҳамкорлик алоқалари доирасидаги талабалар алмашинувининг амалий аҳамияти ҳақида тўхталсангиз.

— Талабалар ва ўқувчилар алмашинуви муҳим дастурлардан биридир. Бу орқали жаҳон миқёсида таълим, иқтисодиёт, sanoat соҳасидаги янгиланган сифатдор бўлиш мумкин. Тадқиқотчи сифатида эса хорижий мамлакатларнинг маданияти, тарихи, одамларнинг кундалик турмуш тарзи, яшаш шароити, ўй-фикрлари билан яқиндан танишиш, кейинчалик ўрганилганларни фаолиятга, тадқиқотларга татбиқ қилиш мумкин. Ортирилган тажриба асосида мамлакат илмий салоҳиятига ҳисса қўйиши мумкин бўлган ихтиролар, ташаббусларга замин ҳозирланади. Бу менинг тадқиқотларимда ҳам ўз аксини топан. Мен “Янги Ўзбекистон” университети талабаларининг бакалаврият, магистратура ёки PhD даражасида таълим олиб, мамлакатингиздаги нуфузли sanoat корхоналарида, ташкилотларда фаолият юритиши тарафдориман...

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Рисолат МАДИЕВА
суҳбатлашди.

ЮКСАК ИШОНЧ ОРТИДАГИ ЎЙЛАР

Атоқли маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний: “Қизлар билим олишга ҳаммадан кўпроқ интилишлари лозим, зеро, бу билимлар билан улар келажақ авлодни тарбиялайдилар”, деганида нақадар ҳақ эди. Чуккур билим, маънавий баркамоллик устун жойда тараққиёт бўлади. Шундай экан, миллий ўзлиқни англаш ва маънавий покданишдан иборат узвий, табиий жараён, аввало, аёлдан бошланади. Аёл маънавиятини миллат маънавиятининг туб илдизи, дейиш мумкин.

АЁЛ ҚАДРИ ВА ШУҲРАТИ НИМАДА?



Махфуза ЙЎЛДОШЕВА,
сиёсий фанлар бўйича
фалсафа доктори (РнД)

Илгари барчамизнинг онгимизга сингиб кетган бир стереотип бор эди: илм-фан аёлнинг иши эмас. Лекин тарих ҳақиқатларига мурожаат қилсак, аёлларнинг фан, маданият, маънавият, тиббиёт оламида алоҳида ёндашувига эга эканини кўрамиз. Бибиҳоним, Тўмарис, Бопай Хоним, Қурбонжон Додхоҳ, Нодирабегим, Назипа Қўлжанова, Сайра Киизбаева, Софья Ҳакимова, Балжан Бултурикова, Хадича Сулаймонова, Дилбар Абдурахмонова, Асал Сартбоевалар Марказий Осиёда ўз иқтидори, ақлий салоҳияти билан ном қозонган.

Илм-фан тараққиётига эркаклар билан бир сафда ўз хиссасини қўшган аёллар сони оз эмас. Афсуски, аёл олимлар кўпда шуҳрат қозона олмаган. Бугунги кунда

олишга интилган қизлар саффи кенгаймоқда. Ўзбекистон аёлларига, қизларига илму маърифат олишида яратилган имкониятни миллат келажагига юксак эътибор, аёл-қизларимизга эътироф сифатида қабул қилдик.

Давлатимиз раҳбари: “Илоҳи борича, аёлларимизнинг дардини, ташвишларини севинч ёшига, ғалаба ёшига, муваффақият ёшига, натижа ёшига айлантиришга ҳаммамиз биргаликда ҳаракат қиламиз. Битта қиз фарзандни ўқитсангиз — бутун oilани ўқитган бўласиз, деб ота-боболаримиз бежиз айтмаган”, дея биз аёлларнинг қадру қимматини юксакка кўтарди.

Баъзилар аёл киши жамиятда илми, ижоди, санъати билан нуфузга эга бўлса, унинг oilаси, фарзандларига қарашга, тарбиялашга имкони йўқ, деб ўйлайди. Фикримизча, чинакам она фарзандлари ва oilаси учун ҳар қандай вазиятда ҳам имкон топади. Илму маърифатга ошно маънавий-ахлоқий баркамол аёл фарзанд тарбиясида ҳам, шубҳасиз, етуқликка интилади.

Эронлик тарихчи олим Абдибек Шерозий аёлларнинг илм олиши ҳақида бундай деган эди: “Яхши тахсил кўрган ва илм нури билан хулқини яхшилаган аёл ҳар ерда иззат топади. Илм — аёл учун зийнат. Ақлини нодонликдан қутқарган ҳар бир аёл номус, иззат, аёллик қадрини тушуниб этади. Бундай аёл ҳеч бир ишда адашмайди”.

Дарҳақиқат, бугунги замонавий технологиялар асрида ақлу заковати билан юқори кўрсаткичларга эришаётган фарзандларни кўриб қўвноамиз ва фахрланамиз. Сабаби, бир фарзанднинг ютуғи ортида бир онанинг заҳмлати меҳнати жо бўлганини биламиз. Илму мансаб пиллапояларида юқори



хотин-қизларни илм-фаннинг энг мураккаб йўналишларида ҳам қўришимиз мумкин. Албатта, бу қувонарли ҳолат.

Жамият ҳаётининг турли жабҳаларида гендер тенгликни таъминлаш Ўзбекистон ички сиёсий концепциясининг устувор йўналишлари қаторига қиради. Бугун Ўзбекистон академик доираларида аёлларнинг ўрни билан беамол мақтана оламиз.

Жорий йил Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда давлатимиз раҳбари: “Илм-фан билан шуғулланиш, илмий янгиллик яратиш — бу игна билан қудуқ қазишга баробар. Мен ўзим шу соҳадан чиққан илм учун бу ишнинг нақадар қийин ва мураккаб эканини яхши биламан. Шунинг учун ҳам oilа ташвишлари ва фарзанд тарбиясини илмий-тадқиқот билан бирга олиб бораётган, бу борада амалий ютуқ ва натижаларга эришаётган oilма аёллари шaxсан мен чинакам матонат ва жасорат соҳибалари деб биламан ва юксак қадрайман”, дея таъкидлади. Бу билан Президентимиз хотин-қизларимизга зўр маънавий далда ва ишонч берди.

Oilа ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳузурида Oilма аёллар жамияти тузилиши, унга ҳар йили 50 миллиард сўм ажратилиши, шунингдек, жорий ва келгуси йилда шу каби мақсадларга 1,8 триллион сўм йўналтирилиши ҳам айни муддао бўлди. Бугун бу жамият чинакамини хотин-қизлар ўз сўзини айта оладиган минбарга айланмоқда. Қайд этишимиз жоизки, жамият тараққиётига хизмат қилувчи, инсон капитали ривожланишига бебаҳо ҳисса қўшувчи оимилардан бири, албатта, oilмаларнинг илм-фан соҳасида улуши кўп бўлишидир.

Магистратурада ўқиётган барча қизларнинг контракт пулларини тўлиқ бюджетдан қўллаб бериш учун ҳар йили 200 миллиард сўм ажратилиши, докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 та мақсадли квота берилиши каби имтиёзлар юрт тараққиёти учун ўз хиссамни қўшман, деяр мақсад қилган ҳар бир хотин-қизга зўр имконият бўлди. Бунинг ортидан илм

марраларни забот этаётган эр киши ортида ҳам аҳли аёлининг хиссаси борлигини тан оламиз. Ҳа, аёл қалбига буюқ фидойилик, миллат келажагига дахлдорлик муҳассам.

Илм оломқининг минг бир машаққатини роҳат каби қабул қилиб, жамиятда ўз ўрнига эга бўлаётган аёллар салмоғи кўплигидан фахрланасак арзийди.

Аёлларнинг илмий, зиёли бўлишига катта эътибор қаратилаётган юртда яшаёلمиз. Юқорида айтганимиздек, Ўзбекистон академик доирасида аёлларнинг ўрни катта. Бу борада фаолияти таҳсинга сазовор профессор, доцент илмий унвонига эга бўлган закий, oilма аёлларимиз рўйхатини узундан-узоқ келтиришимиз мумкин.

Айтиш жоизки, яқин йилларгача илм йўлига отланган аёллар қалбига ишонсизлик, совуққонлик пайдо бўла бошлагани ҳам кўпчиликка аён. Президентимизнинг хотин-қизлар илм олишига алоҳида эътибори билан бу каби муаммолар ҳам бартараф этилди.

Бугунги янгиланаётган жамият аёлни илм-сизлик, маърифатсизлик каби таназзулдан сақлаб қолса, бу энг катта ютуқ деб баҳолаш мумкин. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг аёлларга илм-фан соҳасида ҳам кўрсатаётган эътиборига муносоиб даражадаги илмий изланишларимиз, кашфиётларимиз билан жавоб қайтармоғимиз керак.

Статистик кўрсаткичларга назар солганимизда, юртимиз илмий таълим муассасаларида 660 аёл фан доктори, 7 академик меҳнат қилаётгани, Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтларида эса 3 мингга яқин хотин-қиз тадқиқот олиб бораётгани маълум бўлади. Демак, ўз-ўзидан равшанки, бу кўрсаткич ҳали янада ошади. Чунки илм-фан орузи билан ёниб яшаётган хотин-қизлар сони жуда кўп.

Юлдузлар фақат осмонда бўлмайди. Ён атрофингизга қарасангиз, уларни албатта кўрасиз. Бу — илм истаётган аёл, минг бир манбага термулиб умрининг ярмини кутубхоналар билан боғлаган хотин-қизлар, илмий-тадқиқот жараёнларида хатто ўзини-ўзи унутиб, мақсад учун курашган нозик хилқат вақиласи.

ТУРИЗМ

ЎТМИШ ВА БУГУН ТУТАШГАН МАСКАН

Чортоқ туманида Короскон қишлоқ тарихи музейи ташкил этилди

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

— Музейларни бежизга маънавият хазинаси дея таърифлашмайди, — дейди қишлоқ тарихи музейи ходимаси Ҳилола Қорабоева. — Бу ерда XVII–XX асрларда кундалик ҳаётда фойдаланилган уй анжомлари ва меҳнат қуроллари, миллий ва жаҳон адабиётига оид дурдона китоблар, газета-журнал ва расмлар ўрин олган. Музейимиз уч бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда ўзбек давлатчилиги тарихи, янги Ўзбекистонда кечаётган ҳаётбахш ислохотларга кенг ўрин ажратилган. Иккинчи ва учинчи бўлимларда миллий қадрият ва урф-одатларимизга оид 700 дан ортиқ экспонат жамланган. Бу ички ва ташқи туризм йўналишларини тарғиб этиш, ривожлантиришда жуда катта имконият бермоқда. Музейимиз иш бошлаганига кўн бўлгани йўқ. Аммо бу ердаги экспонатлар халқимизнинг бой ҳунармандлик хазинаси, ўзига хос тасвирий санъат асарлари билан келувчиларни ҳайратда қолдирмоқда.

Тилсимотлар сири

Музейда жамланган оддий, аммо ноёб экспонатлар эътиборингизни тортади. Ҳар бир даврга оид ашёлар бетакор. 1932 йилда ишлаб чиқарилган патефон ва эл севган таниқли ҳофиз Маъмуржон Ҳоқов икросида таралаётган қўшиқлар кишида ўзгача таассурот уйғотади, бир дам бўлса-да, мозий бўйлаб саёхатга чорлайди. Биринчи телевизор, радио, фотоаппарат, музика асбоблари, Қўқон арава, ил ва жун йиғирув даст-қоҳлари, мис идишлар, қадимий ўлчов жиҳозлари сингарилар шу ерда яшаб ўтган одамлар кундалик турмуши ҳақидаги тасаввурларини бойитишга қўмаклашади. Утган асрнинг ўттизинчи йилларида ишлаб чиқарилган, халқ ҳўж-ақлида кенг фойдаланилган юк ва енгил автомобиллар, ногиронлар максус автотомбили, мотоцикллар техник сўз ҳолатда сақланмоқда. Бу ёшларга ўтмиш ҳаёти ва бугунги кун билан таққослаш имкониятини беради.

— Ишни эски автомобиллар йиғиш ва солашдан бошлаганмиз, — дейди лойиҳа ташаббускори, тадбиркор Жамолдин Низомиддинов. — Бу йўналишда бизни қўллаб-қувватловчи, ҳамкорлик қилиш истагида бўлганлар қўлайди. Мавжуд техникани жамлаш, асл ҳолича таъмирлаш ва солашда улар қўмаги ва маслаҳатига суяндиқ. Ҳамжиҳатликда бошланган иш музейимиз-ни бойитишда қўл келди. Алоҳида ойнаванд бино қурдик. Келгусида музей фаолиятини янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Хотира муқаддас, қадр абадий

Музейда “Хотира муқаддас, қадр абадий!” мавзусида кўргазма ташкил этилди. Бу бекиз эмас. Иккинчи жаҳон урушига коросконлик 180 йигит сафарбар этилган. Уларнинг 50 нафари жанггоҳлардан қайтмади. Кўргазмадан ўрин олган аскар кийимлари, қурол-аслаҳа, алоқа, тиббиёт воситалари ва аскар мактублари урушнинг суронли йиллари ҳақида сўзлайди. Кўргазмадан жой олган, уруш йилларида чоп этилган газеталар тўпламида ноёб манба ва маълумотлар жамланган. Газета орқали ўзбек ўғлонларининг



Коросконнинг фахрига айланганлар

Короскон қишлоғида туғилиб, халқ ҳўж-ақлига меҳнат қилган, эл-юртда ҳўрмат-эътибор топан кишилар кўп. Биринчи ҳўқуқшўнос Ихтиёр Алимов ҳаёт йўли, ўз даврининг меҳнат қаҳрамонлари Рашид Низоимов, Турсун Абдурахимов, Турсун Қамбаров, Раҳматилла Ортиқов, Эшонжон Ҳошимов, айниқса,



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. Буюртма — 1569.
86602 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусахҳиш: Шерзод Махмудов
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 21:45 Топирилди — 23:55

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

yuz.uz_news



Шерзод Қорабоев олган суратлар.

Туризм бугунги куннинг энг муҳим иқтисодий соҳаларидан бирига айланган. Шу боис, дунё миқёсида соҳани янада ривожлантириш, тегишли инфратузилма яратиш ва сайёҳлар оқимини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, БМТнинг Жаҳон туризм ташкилоти маълумотиға кўра, 2018 йилда сайёҳлар сони 1,4 миллиардни ташкил этиб, 2017 йилдагига нисбатан 6 фоиз кўпайган. 2019 йилда улар сони 1,5 миллиардга етган. 2019 йилда жаҳон ялпи ички маҳсулотида туризмнинг умумий ҳиссаси қарийб 9170 миллиард долларни ташкил қилган.

ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ ДРАЙВЕРИ Оғир меҳнатсиз, лекин кўп даромад билан ривожланади



Элдор ТУЛЯКОВ,
“Тараққиёт стратегияси”
маркази ижрочи директори

Бу рақамлар одамларнинг йилдан-йилга саёхатга қизиқиши, талаби ортиб бораётганига яққол мисолдир. Умуман, туризм иқтисодий фойда келтиришдан ташқари аҳоли дунёқарашини кенгайтириш, иқтисодий тарқатилган барқарор ривожлантириш, давлатлар ва минтақалар вакиллари ўртасида яқин алоқаларни ривожлантиришда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон ҳам катта сайёҳлик салоҳиятига эга. Мамлакатимизда сайёҳлик инфратузилмаси ривожлантирилмоқда. Хорижий сайёҳлар сони 2016 йилдаги 2 миллиондан 2019 йилда 6,7 миллионгача кўпайди. Ўзбекистон 2019 йилда энг яхши ривожланаётган сайёҳлик йўналишига эга мамлакатлар бешлигига кирди.

2016–2021 йилларда маҳаллий сайёҳлар сони 24 миллионга етган бўлса, хорижий саёҳатчилар қарийб 20 миллионни ташкил этди. Коронавирус пандемияси сабаб 2020 йилда Ўзбекистонга 1,5 миллион, 2021 йилда 1,7 миллион чет эллик сайёҳ келган.

Туризмни ривожлантиришнинг жаҳон амалиёти кўрсатадики, мазкур индустрияни юқори даромадли соҳага айлантириш учун давлат ва хусусий сектордаги барча иштирокчилар сазй-ҳаракатини бирлаштириш ва мустаҳкамлаш зарур. Бунда ҳўқуматнинг роли халқаро, ҳўқумат ва хусусий сектор даражаларида тармоқдаги ривожланиш сиёсатини мувофиқлаштириш ва режалаштиришни таъминлашдан иборат.

2022 йил 26 апрель кўни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида туризм хизматлари қўламини кенгайтириш ва инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида туризм индустриясини ривожлантириш, соҳадаги хизматлар қўламини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромади, яшаш даражаси ва сифатини ошириш ҳамда мамлакат инвестициявий жўзабдорлиги ва имижини яхшилашга қаратилган масалаларга алоҳида уру берилди.

Йиғилишда жаҳонда коронавирус пандемияси пайтида ўрнатилган чекловлар аста-секин юмшаётгани, шу боис, туризм индустрияси тикланаётгани, хусусан, 2022 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистонга 610 минг сайёҳ ташриф буюргани, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баробар кўпчилиги қайд этилди.

Мамлакатнинг ҳар бир ҳудудида туризмни ривожлантириш бўйича йирик лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Бунга Намангандаги “Афсоналар водийси”, Бўстонлиқдаги “Амирсой” мажмуалари яққол мисол бўла олади. Мазкур мажмуаларга кўнага минглаб хорижлик ва маҳаллий сайёҳ ташриф буюради.

Президент йиғилиш давомида “Ўзбекистон туризм магистрალი” бўйлаб 31 та туман ва шаҳар ҳудудидан ўтувчи йўллар бўйида автотурагоҳ, кемпинг, автосервис, овқатланиш, ёқилги қўйиш каби хизматларни қамраб олган карвонсаройлар барпо этиш тақлифини ҳам берди: Албатта, бу тақлифнинг амалга оширилиши янги иш ўринлари яратилиши, аҳоли бандлиги

таъминлини ҳамда турмуш фаровонлиги ошишига, шунингдек, мамлакат иқтисодиётида туризм индустрияси улуши сезиларли ортишига, сайёҳлар оқими қўпайишига хизмат қилади.

Ички туризмнинг жадал ривожланишида хусусий секторнинг ўрни катта. Ҳозир қўллаб тадбиркор ва ҳўнармандлар туризм соҳасига жалб қилинган бўлиб, улар сувенир ишлаб чиқариш, меҳмонхона ҳўжалиги, сайёҳларга хизмат кўрсатиш билан шўғулланиб келмоқда. Бу борада тадбиркорларга давлат томонидан ссудалар, субсидиялар, кредитлар ва бошқа турли имтиёзлар тақдим этилаётгани эътиборга лойиқ.

Йиғилишда ички туризмни ривожлантириш ҳамда тадбиркорларга янада қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қатор имкониятлар белгиланб берилди.

Жўмладан, 1 июлдан бошлаб туризм қишлоқларида меҳмон уйлари, овқатланиш ва савдо шўхоб-чалари, кўнглочар жойлар ташкил этган тадбиркорлар 3 йил давомида айланмадан олиннадиган солиқ ва ижтимоий солиқни 1 фоиз ставкада, мол-мулк, ер, сув солиқларининг ҳисобланган суммасидан бор-йўғи 1 фоизини тўлайди. Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида бундай қишлоқларда меҳмон уйлари ташкил этишга 50 миллион сўмгача, ўтов ва эқойлар мажмуасига 300 миллион сўмгача, ҳодирли лагерлар қўришга 300 миллион сўмгача кредит берилади. Ҳар йили туризм қишлоқларининг 200 йил-гит-қизи бюджет ҳисобидан туризм техникумларида бепул ўқитилади.

Албатта, бундан қўзланган мақсад туризм индустриясини жадал ривожлантиришда хусусий сектор иштирокини янада кенгайтириш, уларга имтиёзлар тақдим этиш, соҳада кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, янги сайёҳлик маҳсулотлари турини қўпайтиришдир.

Туризмни янада тараққий эттириш учун, аввало, зарур инфратузилмани тақомиллаштириш талаб этилади. Биринчиси транспорт бўлса, иккинчиси логистика. Бугунги кунда ҳўқумат транспорт харажатларини қамайтириш, сайёҳларнинг авиақатновларга талабини қондириш мақсадида халқаро ва маҳаллий йўналишларда лоукостерлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш, замонавий тезорар поездаларга чипта сотиб олиш механизмларини тақомиллаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратмоқда. Шу нўқта назардан, йиғилишда Президент Транспорт вазирлигига туризм соҳасида транспорт инфратузилмасини яхшилаш бўйича бир қатор топшириқларни берди.

Жўмладан, 1 июлдан бошлаб “Зиёрат туризми” дастури доирасида хорижий авиакомпанияларга қўрсатиладиган хизматларга 50 фоизгача чеғирмалар жорий қилинади. 1 октябрга қадар эса маҳаллий авиақатновларга мўлжалланган янги “Silk avia” компанияси ташкил этилади. Харажатларни қамайтириш мақсадида 9 та самолёт тўлиқ эконо-классга ўтказилади.

Албатта, буларнинг барчаси Ўзбекистонда туризм соҳасидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш, қўлай иқтисодий шароит ва омилларни яратиш, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва улушини қўпайтириш, хизматлар сифатини ҳамда туризм инфратузилмасини тақомиллаштиришга қаратилган.

